INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 1 сентябрь, № 171 (5086) Чоршанба

# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.



*Ҳазрат Алишер Навоийнинг кўпчиликка ёд бўлиб кетган машҳур бир рубоийсида шундай маъно-мазмун мужассам: Инсон мусофирчиликда ёки тутқунликда ҳеч қачон шод-хуррам бўлолмайди. Гарчи унга барча шарт-шароит яратиб берилган бўлса ҳам, у зинҳор-базинҳор яйраб яшай олмайди, чин дилдан кула олмайди, дея улуғ шоиримиз озодликнинг, эркинликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканлигини ифода этганлар.*

*Шукрки, биз ўн тўққизинчи йилдирки, ҲУРРИЯТ деб аталмиш муқаддас неъматдан баҳрамандмиз. Асрлар силсиласида киприк қоққунчалик бу йиллар давомида ОЗОД Ўзбекистонимиз Президентимиз раҳнамолигида чин маънода ОБОД мамлакатга айланди. Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий имкониятлари нечоғли улкан эканлиги дунёга намоён бўлди.*

(Давоми 2-бетда).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан йўллаётган самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. 1 сентябрь куни Ўзбекистон халқини давлат мустақиллиги ва суверенитетининг 19 йиллиги билан муборакбод этиш бизга улкан мамнуният бағишлайди. Ишончим комилки, истиқболда ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз изчил давом этади.

Мустақиллик байрами шодиёналари Сизга ва Ўзбекистон халқига шоду хуррамлик, тинчлик ва файзу барака олиб келсин.

Камоли эҳтиром билан,

**Барак ОБАМА,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

## «КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО» МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 август куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрди.

Йигирма беш асрдан зиёд тарихга эга Бухоро жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздан бири. Қадимдан илму маърифат, маданият маскани бўлган бу гўша таърифи етти иқлимга ёйилган.

Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Туб мақсади инсон манфаатлари устуворлигига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида вилоятнинг саноат салоҳияти юксалди, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очаётир.

Яқинда барпо этилган "Бухоро маданий маркази" мажмуи бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрин тутади. 107 гектардан иборат мазкур мажмуада йирик иншоотлар — 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи қад ростлади. Мазкур объектлар Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилди.

Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган ушбу баландлиги 18 метр "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини таниқли ҳайкалтарош, Ўзбекистон санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Илҳом Жабборов ишлаган.

Қутлуғ Бухоро заминидан Абу Али ибн Сино, Наршахий, Имом Бухорий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ориф Ревгарий каби буюк мутафаккирлар, кўплаб адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиққан. Уларнинг номлари обидада зарҳал ҳарфлар билан нақшланган. Бу ерда илм ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз экани, дил Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлиши лозимлиги зикр этилган.

Давлатимиз раҳбари "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи билан танишди.

— Тарихдан маълумки, қадимда Бухородан олтин конлари топилган. Бугунги кунда ҳам Бухоро тилласи асл тилла ҳисобланади, — деди Ислом Каримов. — Лекин Бухорони шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи, меҳнаткаш одамларидир.

Монумент марказида уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота, она ва бола, ниҳол ўтқазаётган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг барельефли ҳайкаллари акс эттирилган. Бунда чуқур фалсафа бор: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари мангу қолади,



бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фарзандлари келажагини, эл-юртининг эртасини ўйламоғи даркор.

— Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланган бу ғоялардан хулоса чиқаради, — деди Президентимиз. — Бу ғояларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюк марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қилувчи кучга айланганини кўрамиз.

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун гўзал ва бетакрор юртимизда буюк айём, катта тантана. Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ўз миллий мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамини баланд руҳ ва хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган ана шу байрам билан сиз, азизларни, сизнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Азиз дўстлар!

Бугун, шу қутлуғ айём арафасида Ватанимиз озодлигига эришиш, ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмасдан, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, юртимиз бойликларига, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида халқимиз қандай оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтгани беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Биз бу йўлда ҳар қандай мураккаб ва таҳликали синовлар, тўсиқ ва ғовлардан ўтиб, ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, қанчалик қийин бўлмасин, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик, эзгу мақсадларимизга етиш учун қатъият ва матонат билан қадам қўйдик.

Бугун мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган, осон кечмаган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни, эришган ютуқ ва марраларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, холисона бир хулосага келишимиз табиийдир.

Яъни, бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётимизни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яккаю ягона тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг исботини, аввало, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин.

Бунинг тасдиғи сифатида ҳалибери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларини намоён этмоқда.

Охирги икки йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этгани, бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилаётганининг ўзи кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган марраларни ўзимизга тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни келтириш ўринли деб биламан.

1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 2,5 баробар ошган, ўртача ойлик иш ҳақи эса шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 каррага кўпаяди.

Яна бир рақам — Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимизда инсон саломатлигини асраш, унга муносиб шароит яратиш ва ғамхўрлик кўрсатиш узлуксиз ўсиб бораётганининг тасдиғи сифатида аҳолимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги йигирма йил давомида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бундай натижаларга албатта бир-икки йил мобайнида эришиб бўлмайди.

Бу марраларни биз мустақиллик йиллари давомида халқимизнинг кундалик машаққатли ва ўта оғир меҳнати эвазига қўлга киритганмиз.

Шунинг учун бу мўътабар заминда истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз бу ютуқлардан ғурурланиб-фахрланиб яшашга тўла ҳақлидир.

Қадрли юртдошларим!

Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир. Бунинг учун ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра бир-бирига тенг, бир-бирини тўлдирадиган икки ҳал қилувчи вазифани амалга ошириш бизнинг доимий эътибор марказимизда туриши зарур.

Биринчидан, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий-ижтимоий ўсишимиз ва технологик ривожланишимиз суръатларини юксалтириш ҳисобидан Ватанимиз тараққиёти ва аҳолимиз фаровонлигини муносиб даражага кўтаришдир.

Иккинчидан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва эркинлаштиришни, сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий тизимни демократик янгилашни, юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришни давом эттиришдир.

Биз бугун мана шундай буюк мақсадларни олдимизга қўяр эканмиз, чуқур англаб олишимиз зарурки, бундай орзу-интилиш мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб олиб бораётган сиёсатимизнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлиб, бутун халқимиздан тинимсиз меҳнат ва куч-ғайратни сафарбар этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, бу вазифа замон ўзгариши билан ҳар биримиздан дунёқарашимиз, онгу тафаккуримизни, сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни юксалтириш, ён-атрофимизда бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришни, содда қилиб айтганда, бу гўзал ва бетакрор юрт — мен учун ягона Ватан, унинг бошидан кечираётган қувонч ва ташвишлари — менинг қувонч ва ташвишларим, деб, шундай ҳиссиёт билан яшашни талаб қилади.

Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим — мана шу муҳташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди.

Мамлакатимизда 2010 йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берганимизнинг ўзи айнан шундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида, ҳеч шубҳасиз, яна бир қатъий қадам бўлиб қолажак.

Ишончим комил, кўпни кўрган, бошидан кўп синовларни ўтказган халқимиз чуқур англайдики, бундай юксак вазифалар ва олижаноб орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, жамиятимиздаги миллатлар ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Энг муҳими, минтақамизда, яқин ён-атрофимизда янги қарама-қаршилик ва тажовуз ўчоқларини алангa олдиришга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кучлардан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб, бундай уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишга тайёр туришни бугунги нотинч ва таҳликали замоннинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб яшашни, барча узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашни биз ҳамиша энг долзарб вазифа деб билганмиз ва бундай сиёсатни албатта изчил давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакилларига, муҳтарам меҳмонларимизга халқимиз номидан ҳурмат-эҳтиром билдириб, дунёдаги барча дўсту ҳамкорларимизга самимий салом ва тилакларимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлар эканман, авваламбор, юртимизни тинч-омон сақлаб, асраб келаётган, эзгу ишларимизга ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтиб, эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш халқимизга бош эгиб таъзим қиламан.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

## ОЗОДЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

***Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар доимо бир-бири билан ёнма-ёндир. Халқимизнинг тарихий ютуғи — Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Ўзбекистон эришаётган бетимсол ютуқлар, мамлакатимиздаги янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуш тарзи, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод — мана шундай улуғ неъматларни инъом этган Истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида улуғ аждодларимиз хотирасини тиклаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш энг эзгу анъаналардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонланади.

Мазкур мажмуа доим зиёратчилар билан гавжум. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодни табаррук она-Ватанимизни, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди. Бу ерга зиёратга келган инсон осуда отаётган тонгларга шукрона келтиради, қалбида шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради.

31 август тонгида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган инсонларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Президентимиз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда).

# БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ўн тўққиз йил муқаддам жаҳон афкор оммаси учун Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган миллат нотаниш бўлса, эндиликда юртимизни ҳам, халқимизни ҳам бутун дунё билади. Яна шуни фахр-ифтихор билан таъкидлашимиз керакки, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилгач, улкан самара ва натижалар берган, ўзимизга хос ва мос тараққиётнинг "Ўзбек модели" ҳам халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Бундай улкан ютуқ ва муваффақият бизни қанчалик ғурурлантирса, Истиқлолимизни, Ватанимизни, азалий анъаналаримизни шунчалик авайлаб-асрашга, қадрлашга ундайди. Зеро, бугун қайсидир мамлакатда табиат тажовузи авж олаётган бўлса, яна бошқасида муттасил ўқ овози эшитилиб, бегуноҳ одамлар нобуд бўлмоқда. Шундай экан, хотиржамликни, юртимиздаги файзу баракотни қадрлаш, кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг виждоний бурчимизга айланмоғи керак.

Тарих шоҳидки, собиқ совет тузуми ҳукмронлиги давридаёқ Ислом Каримовнинг жасорати туфайли азалий одатларимиз тикланиб, миллий қадриятларимиз бўй кўрсата бошлади. Халқ сайиллари топталиб, хотирамиздан йўқ қилиш даражасига етганда, Президентимиз ҳеч иккиланмасдан Наврўз каби байрамларни кўтаринки руҳда ўтказишга кўрсатма берганлари ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Шундай экан, ота-боболаримиз орзулари ушалган кун — Мустақиллик байрамининг ҳар куни, ҳар соати, ҳар дақиқасини кўзларимизга тўтиёлар қилсак, арзийди. Инчунин, бугун Истиқлолнинг 19-довонидамизки, ортга қайрилиб қарасак, оламшумул ютуқларга эришган навқирон мамлакатимизнинг мағрур одимлар ила келажакка дадил бораётганини яққол англаймиз.

Дарҳақиқат, хотиржам ва озод юртга байрамлар ярашади. Бундай элга тотувлик, фаровонлик хос бўлиб, дастурхон тўкин, хирмон баракали бўлади.

Истиқлол фақат эркинликни эмас, балки қандай яшашни, бошқалардан кам бўлмасликни ҳам дилимизга жо қилди. Президентимизнинг оқилона сиёсати, узоқни кўзлаб олиб бораётган раҳнамолиги боис мураккаб ва шарафли йўл босиб ўтилди, кўз кўрса қувонадиган улкан натижаларга эришилди. Шу маънода, бу сана Ўзбекистон тарихида, миллатимизнинг келажаги ва тақдирида ғоят улуғ аҳамиятга моликдир. Энг муҳими, одамлар онгида бугунги кундаги муносабатларга янгича нигоҳ билан қараш шаклланди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, олис-олис қишлоқ жойларгача саноатни олиб кириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ишчи ўринларини кенгайтириш, хуллас, ҳар соҳада ўзгаришларга кенг йўл берилди, берилмоқда. Бу йилги тантаналарнинг "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шиори остида ўтказилиши эса кенг кўламли ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини ифодалаб турибди.

2010 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг тантаналар нишонланадиган муаззам маскани — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи шодиёнага муносиб тарзда безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, фермерлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, чет элдан келган меҳмонлар ташриф буюрган.

Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Меҳмонлар Юртбошимизни гулдурос қарсаклар билан кутиб олади. Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни юксак минбардан туриб мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллик байрами билан муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Тантана бошланади.

19 йил. Бу йиллар мобайнида Президентимиз раҳнамолигида улкан муваффақиятларга эришдик. Кечагина дунё мамлакатлари сафида ўз Конституциямизга, Байроғимизга, Гербимизга, Мадҳиямизга эга бўлганимиз учун қувонган эдик. Шукрки, бугун ўз сўзимиз, ишимиз, иқтидоримиз билан фахрланаяпмиз. Бир пайтлар чет эл у ёқда турсин, ўзи яшаётган юртнинг марказида ўқиш учун машаққат чекканларнинг фарзандлари бугун жаҳоннинг ривожланган давлатларида таҳсил олмоқда. Азалий қадриятларимиз тикланди. Улуғ ота-боболаримизнинг қадамжолари обод масканга айлантирилди. Юртимизнинг ҳар бир вилоятида юзлаб корхоналар, қўшма корхоналар барпо этилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган машиналар — "Каптива", "Эпика", "Такума", "Ласетти", "Нексия", "Дамас", "Матиз" кўчаларимизни тўлдирган.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами арафасида эса мамлакатимиз автомобилсозлари муносиб туҳфа тайёрлашди. Гап шундаки, Асакадаги автомобиль заводида халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, замонавий дизайн ва янгича услубдаги "Chevrolet Spark" автомобили ишлаб чиқарила бошланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча гўшалари, айниқса, пойтахтимизда бири-биридан кўркам боғлар, муҳташам иншоотлар бунёд этилаяпти. Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари азим шаҳримизни замонавий мегаполисга айлантирди. Бундан атиги беш-олти йил аввал Тошкентни кўрган киши шу кунларда яна пойтахтга ташриф буюрса, беқиёс янгиланиш ва ўзгаришлардан ҳайратланиши табиий. Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги тубдан ўзгаришлар, Ҳастимом мажмуасининг кўрки ва донғи, Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси, унга рўбарў эгизак бинолар — Тасвирий санъат галереяси ҳамда Ёшлар ижод саройи, "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи бош шаҳримизга ташриф буюрадиган ҳар қандай меҳмоннинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилади.

Жорий йилнинг биринчи ярмида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш ва йўл-қурилиш техникасини харид қилиш учун ўзлаштирилган капитал қўйилмалар 190,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,8 баравар кўп демакдир.

"Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" янги темир йўл линияси разъезд ва станцияларида ишлаб чиқариш-техник бинолар ҳамда тураржойлар қурилишини якунлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт орқали Франкфурт, Сеул, Брюссель, Милан, Бангкок, Деҳли, Дакка, Мумбай ва дунёнинг бошқа йирик шаҳарларига мунтазам рейслар амалга оширилди.

Бундай бунёдкорлик ишларининг барчаси келажак учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Шуни ишонч билан айта оламизки, эртанги кунимизнинг бугунгидан-да ёруғ бўлмоғи учун кафолат, ишонч бор. Зеро, ўлкамизда олиб борилаётган улкан ислоҳотлар, бунёдкорлик дилда ана шундай ишончни уйғотмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз буюк келажак йўлида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилаётган заҳматкаш халқимизнинг имкониятларидан келиб чиқиб: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ", дея баралла айтган эдиларки, ўз ўрнида бу сўзлар ҳар бир юртдошимиз учун қалб муддаосига айланиб улгурди.

...Куй-қўшиқ садоси остида байроқдорлар ва қизлар фон гуруҳи саҳнани очиб, ўз ҳаракатларини бошлайдилар. Ён-атрофдаги минглаб чироқлар саҳнага кўрк бериш билан бирга, дилларни нурафшон этади, вужудни жимирлатади.

Саҳнага чиқиш навбати болажонларга келади. "Томоша" болалар ижодий театр студияси, "Юлдуз", "Булбулча", "Ором", "Наврўз" болалар ва ашула рақс дасталари ўз санъатларини намойиш этадилар. Болажонлар ана шу тарзда улуғ байрамимиз тантаналарига файз киритадилар.

Ҳар бир юртнинг қудрати, осойишталиги унинг ҳарбий салоҳиятига бориб тақалади. Шундай экан, мустақил давлатимизнинг посбонлари ҳар томонлама тажрибали бўлиши учун истиқлолга эришганимиздан кейин кўплаб соҳалар қатори ҳарбий жабҳада ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини юксалтириш, ҳарбий хизмат борасидаги муҳим ўзгаришлар, армиямизни профессионаллаштириш йўлидаги янгиликлар ўзининг самарасини бермоқда. Ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарур тураржой ва маиший шароит билан таъминлаш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Ана шу янгиланишларни тўласинча акс эттириш учун майдонга юрт посбонлари — Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Чегара қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати йигитлари шахдам қадамлар билан кириб келадилар. Уларнинг ўзига хос кийимлари, дадил ҳаракатлари, "гурс-гурс" қадам ташлашларига ҳамоҳанг Ватан ҳақида жўшиб куйлашлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бир текис саф тортиб, мағрур қиёфада давра айланаётган йигитларни кузатар экансиз, кўнгилда юртимизнинг тинчлиги мард ва жасур ўғлонлар қўлида эканлигига ишонч пайдо бўлади.

Истиқлолимизнинг ўн тўққизинчи йили Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Юртимизда фарзандларимизга жаҳон талаблари даражасида таълим-тарбия бериш, замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражада касб-ҳунар ўргатиш бугунги ислоҳотларнинг пировард мақсадидир. Шу ўринда Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанада айтган мана бу сўзларини келтиришни жоиз билдик: "Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар. Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади".

Жорий йилнинг биринчи ярим йилида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури бандларини амалга ошириш учун 4,2 триллион сўм ва 79 миллион доллар йўналтирилди. Бу борада кўрилган чоралар натижасида ёшлар учун 282,8 мингта янги иш ўрни яратилди, ёш оилаларга қиймати 55,5 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича эришилган ижобий натижалар Президентимиз томонидан тасдиқланган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги чора-тадбирлар нечоғли самарали амалга оширилганидан далолат беради.

Шу йилнинг май ойи бошида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлиси давомида нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий делегациялар раҳбарлари, шунингдек, 2010 йилнинг июнь ойи охирида мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси миссияси томонидан ҳам эришилган бу самаралар юксак баҳоланди.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли китобида Истиқлолнинг илк давридан бошлаб, бугунги дориламон кунларга қадар республикамизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ютуқ ва муваффақиятлар, ижтимоий-иқтисодий, айниқса, маънавий-маърифий ислоҳотлар самараси хусусида эркин ва асосли фикрлар билдирилар экан, жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими хусусида шундай дейилади: "Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдод ва салоҳиятини эркин намоён этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу-интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Энг муҳими шундаки, "портлаш эффекти", яъни янги таълим моделининг кучли самарасининг ҳақиқий моҳияти ва аҳамияти вақт ўтиши билан биз тарбия қилаётган соғлом ва баркамол авлоднинг сафимизга тобора илдам кириб бориши билан янада яққолроқ сезилади".

Мустақиллик тантаналарида Ўзбекистон эстрада санъати усталари ва истеъдодли ёшлар ижросида яратилган янги қўшиқларда она-юрт наволари тараннум этилди. ВАТАН, ИСТИҚЛОЛ ҳақидаги энг сара қўшиқлар майдон узра янгради. Демак, энг улуғ, энг азиз байрам тантаналарига муносиб бўлган оҳанрабо хонишлар мана шу қутлуғ саҳнада дунёга келди. Қўшиқки, олам-олам завқ-шавқ ила дилларга сурур бахш этди, сурурки, бор андуҳларни хаёлдан чиқарди, дилга эзгулик уруғини қадади.

Шодиёнадаги қўшиқлар оҳангида эса ён-атрофда минглаб чироқлар ёниб, жўшқинликни, кўтаринкиликни акс эттирди. Санъаткорлар биргалашиб ЮРТ ҳақида куйлай бошлаганларида осмонга мушаклар отилиб, бири-биридан чиройли манзаралар, кўринишлар намоён бўлди. Бу гўзалликни, баравж хонишларни, бундан дили хушнуд юртдошларимизнинг кайфиятини сўз билан таърифлаш қийин. Бу завқ-шавқ эса дилда энг азиз туйғу — Ватанга муҳаббат уйғотади.

Асосий тантаналар якунланади. Аммо унинг таровати диллардан-дилларга ўтиб, манзилма-манзил юриб бизни хушнуд этаверади. Зеро, Истиқлол айёми ҳар биримизга улкан қувончу муваффақиятлар ҳадя этганлиги, этаётганлиги туфайли бениҳоя қадрлидир, фараҳлидир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Сарвар ЎРМОНОВ ва Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловлар йўллашдан ғоят бахтиёрман. Ушбу фурсатдан мамнуният билан фойдаланиб, чин дилдан Сизга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига келажаги янада порлоқ бўлишини тилайман.

**Хайнц ФИШЕР,**
**Австрия Республикаси Федерал Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Украина ва Ўзбекистоннинг қардош халқлари ўртасидаги узоқ йиллик умумий тарихга, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган анъанавий дўстона муносабатлар давлатларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, бахт-саодат, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва давлатни бошқаришдек ўта масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига эса тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Виктор ЯНУКОВИЧ,**
**Украина Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги нишонланаётган ушбу айёмда Жазоир халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга самимий қутловларимни йўллаш, чин дилдан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг дўст халқига тараққиёт ва равнақ тилаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этмоқчиман. Сизни ишонтириб айтаманки, халқларимиз фаровонлиги йўлида бундай алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида биргаликда саъй-ҳаракат кўрсатишга ҳамиша тайёрман.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

**Абдулазиз БУТЕФЛИКА,**
**Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти.**

# «КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО» МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Обида тепасига ўрнатилган баландлиги 5 метр, вазни 32 тоннадан иборат, айланиб турувчи улкан Ер шари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Унда Ўзбекистонимиз харитаси тасвирланган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дунё билан юзлашди, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллади, деган теран маъно ифодаланган.

Президентимиз театрнинг янги биносини кўздан кечирар экан, бундай замонавий санъат саройлари томошабинларнинг бадиий диди ва савиясини ўстиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Театр — тарбия маскани. Ёшларимизни турли мафкуравий таҳдидлар ва ғараз ниятли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ёшларни тўғри йўлга бошлашда панд-насиҳат билан кифояланиб бўлмайди. Эзгуликни, юртпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар қилиш керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бири театрдир. Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиши зарур. Фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган замонавий қаҳрамонлар образини яратиш керак, — деди Юртбошимиз.

Президентимиз мажмуа ҳудудида вилоят иқлим шароитига мос дарахтларни кўпайтириш ва яшил ҳудудларни янада кенгайтириш юзасидан тавсиялар берди.

Мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий меросни, тарихий-меъморий обидаларни асраш, уларни келгуси авлодларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бухородаги Масжиди Калон, Чорбакр каби қатор обидалар таъмирланиб, асл қиёфасига келтирилди. Президентимиз ташаббуси билан Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари обод манзилларга айлантирилди.

Юртбошимиз шу куни Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

# ОЗОДЛИК ЙЎЛИДА КУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар, мамлакатимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган бетимсол ўзгаришлар, бугунги кунда жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият ҳақида гапирди. "Шаҳидлар хотираси" мажмуасининг ҳаққоний тарихимизни тиклаш, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришдаги аҳамияти, ёш авлод тарбиясида тутган ўрни хусусида тўхталди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлмиш мустақиллигимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб муҳрланмоқда. Мана шундай дориламон кунларга етиш йўлида қанчадан-қанча юртдошларимиз курашган, ҳатто ўз жонини ҳам аямаган. Маънавият ва маърифат орқали эзгу мақсадларни илгари сурган кўплаб ватандошларимиз қатағон қурбонларига айланган. Бу муқаддас маскан ана шундай инсонлар хотирасини доимо ёдда тутишга, ёшларимиз уларнинг жасоратини теран англашига хизмат қилиши, шубҳасиз. Айни пайтда бугунги тинч-осуда ҳаётимиз, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш ҳақида ўйлашимиз табиий, албатта, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

**(ЎзА).**

# ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

***Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юз ёшдан ошган пиру бадавлат отахон ва онахонлар "Шуҳрат" медали билан мукофотландилар.***

Улар орасида Элликқалъа тумани "Қиличноқ" овул фуқаролар йиғинида яшовчи Пошша ая Юсупова ҳам бор. Бу йил умрининг 108 баҳорини қаршилаган онахон уч ўғил, уч қизни эл корига ярайдиган муносиб инсонлар қилиб тарбиялади.

— Биз, кексаларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатаётган Юртбошимизга минг раҳмат, — дейди онахон дуога қўл очиб. — Бугунги ҳур замоннинг қадрига етиш керак. Юртга ҳалол хизмат қилганнинг пешонаси ёруғ бўлади, албатта.

Пошша ая Юсуповага юксак мукофотни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов топширди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Энг улуғ ва энг азиз айём арафасида пойтахтимизда Тошкент вилояти "Турон" ахборот-кутубхона марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Янги зиё масканининг очилишида ўқитувчи-педагоглар, ахборот-ресурс марказлари ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ўқувчи ва талабалар қатнашди.***

# ИЛМУ ЗИЁ МАСКАНИ

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, кутубхона захирасини бойитиш, халқимизнинг илмий, адабий-бадиий, маънавий бойлигидан ўсиб келаётган авлодни кенг баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда кутубхоначилик тизимини янги босқичга кўтариш борасида қатор эзгу ишлар амалга оширилаётганлиги диққатга сазовор. Бу, ўз навбатида, илмга интилган ёшларимиз учун қулай имконият демакдир.

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Қувонарлиси, мутолаа ихлосмандларининг севимли масканларидан бири саналмиш "Турон" кутубхонасида ҳам эндиликда ана шундай шарт-шароитлар яратилди. Ўтган аср бошларида бир гуруҳ маърифатпарвар зиёлилар ташаббуси билан ташкил этилган мазкур маскан бугунги кунга келиб, энг замонавий ахборот-кутубхона марказига айлантирилди. Унинг таркибида еттита бўлим мавжуд бўлиб, зиё маскани 380 мингдан ортиқ китоб жамғармасига эга. Нодир ва ноёб адабиётлар эса 4,5 минг нусхани ташкил этади.

Янги бинода иш бошлаган ахборот-кутубхона замонавий технологиялар билан таъминланган. Бу ерда ўқув зали, компьютер хоналари, китоблар сақланадиган жой, турли хилдаги ускуналар мавжуд. Китобхонларга янада қулай бўлсин учун бу ерда "Миллий матбуот саҳифаларида" номли маълумотлар базаси ва электрон каталог шакллана бошлади. Шунингдек, ҳуқуқий ва иқтисодий адабиётлар жамланган китоб фондига эга бўлган "Ҳуқуқий ахборот маркази" ҳам ташкил этилди. Энг муҳими, китобхонлар ахборот-кутубхона марказида Интернет тармоғидан кенг фойдаланишлари мумкин.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

***Ўзбекистоннинг бундан ўн тўққиз йил муқаддам танлаб олган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ҳаётимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш орқали мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни янгилаш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга доир комплекс амалий тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.***

***Тоғлар маҳобати узоқдан яхши кўринганидек, Истиқлолимизнинг ҳозиргача ўтган дастлабки даври ҳам келажакда ўз залворини намоён қилиши, шубҳасиз. Шундай бўлса-да, бугун ҳам беихтиёр кечаги кун сабоқларига таяниб яшагинг келаверади. Чунки Истиқлол йилларида кечган ҳаётимиз бунга арзигулик. Бу даврда биз нафақат давлат тизимини ва жамият ҳаётини мазмунан янгиладик, балки ўзимиз ҳам ўзгардик. Миллат сифатида ўзимизни қайта кашф этдик. Тафаккуримизни тикладик. Ўзлигимизни англадик. Ва энг муҳими, жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг бўлишга муносиб эканимизни амалда исботлай олдик.***

Мустақиллик даврида давлатнинг жамиятга, жамиятнинг эса давлатга муносабати тубдан ўзгарди. Одамларимиз "Мен Ватаним учун нима қилиб бердим?!" деган масъулият ҳисси билан яшаётган бўлса, давлатимиз ҳар бир инсон манфаати энг олий қадрият, деган сиёсатга асосланиб иш юритмоқда. Бу, ўз навбатида, миллат қадри ва қаддининг тикланишига хизмат қилаётир.

Биз яқин йигирма йил ичида ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларида эришган юксак чўққиларга аввалари интилмаган эдикми?! Ёки қадим илдизларга эга, инсоният тамаддунида ўзига хос из қолдирган миллат сифатида сўнгги икки аср давомида илм-фан, маданият каби умуминсоний жараёнларнинг яна ўнлаб жабҳаларида ўз ўрнимизни топиш, ўз сўзимизни айтиш илинжида курашиб яшамадикми?! Интилганмиз! Курашганмиз! Бироқ МУСТАҚИЛЛИК туфайлигина бу интилишларимиз рўёбга чиқди, дунё аҳли бизни яна бир бор тан олди.

Мустақиллик миллатимизни, халқимизни том маънода тарбиялай бошлади. Маданий-маънавий ҳаётимиз янгича мазмун — миллий руҳ касб этди.

Айтиш ўринлики, мустақил давлат сифатида, айниқса, ташқи сиёсатда самарали фаолият олиб бориш жуда муҳим ва Ўзбекистон бунга эришмоқда. Бунинг натижалари минтақавий тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллий манфаатлар устуворлигига асосланган ҳамкорлик географиясини кенгайтириш масалаларида яққол кўзга ташланаяпти.

Дунёга чиқиб, мустақил муносабатларга киришиш машаққатлари ташқи алоқаларда ким дўсту ким душман эканини, биз билан стратегик ҳамкорликка муносибларни ажрата билишга ўргатди.

Ўз навбатида, миллатлараро ва халқаро муносабатларда БАҒРИКЕНГЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК каби қонимизга, руҳиятимизга сингиб кетган миллий хусусиятларимизни намоён эта бошладик. Ўтган йиллар мобайнида қуруқ овозалардан холи тарзда, ҳеч бир истисносиз давлат ва жамият ҳаётида адолатли бошқарув сабаб амалда МИЛЛИЙ ЖИПСЛИКка эришдик.

Мевали дарахтга тош отилади, деганларидек, ўтган 19 йил ичида кундан-кунга мустаҳкамланиб, ўзининг тотли меваларини бера бошлаган Ўзбекистон Мустақиллигини ҳам ҳимоялаш, ҳам мустаҳкамлаб бориш тақозо этилди. Токи ўзлари ҳам англаб етмаган ғайриинсоний мақсадларга кўр-кўрона хизмат қилиб кетаверадиган кимсалар бор экан, бу масъулият долзарб бўлиб қолаверади.

Дарвоқе, дунёдаги айрим давлатларда бир неча йиллаб низолар давом этиши, сиёсий беқарорлик авж олиши, иқтисодий инқироз ёки маданий-маънавий емирилиш жараёнлари кечаётгани ҳам бизни янада сергаклантиради, огоҳликка даъват этади.

Демак, биз ўзимизни кўпроқ эзгу амалларга бахшида этиб, тўғри йўлдан бораяпмиз. Мамлакатимизда ҳар томонлама чуқур ўйланган, оқилона сиёсати ва вазминлик билан иш юритилиши, халқимиз табиатидаги бунёдкорлик туйғусининг кенг кўламда рағбатлантирилиши эвазига ЭНГ МУҚАДДАС БОЙЛИГИМИЗ — ИСТИҚЛОЛИМИЗни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, мустаҳкамлаб келмоқдамиз.

Маълумки, мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни янгилаш билан боғлиқ интилишларнинг ўзи, аввало, ҳурликни, қолаверса, юксак миллий интеллектуал салоҳиятни тақозо этади. Шукрки, мустақиллик йилларида юртимизни шунчаки хом ашё базасидан саноати, қишлоқ хўжалиги ва сервиси тараққий этган мамлакатга айлантира олдик. Бунёдкорликни рағбатлантириш сиёсати иқтисодиётнинг реал секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллийлаштириш дастурларини жорий этиш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, имтиёзли кредитлар ва солиқ юкини енгиллаштириш, ишлаб чиқариш ва сервис тармоқларини кенгайтириш имконини берди.

Юртбошимизнинг биргина ОБОД ҚИШЛОҚ ҒОЯСИнинг амалий самаралари сифатида оддий инсонларга кенг қулайликлар яратилганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш масалалари, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, ижтимоий объектларнинг комплекс қурилиши тафаккур ўзгаришлари билан боғлиқ ижтимоий аҳамият касб этди.

Қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини ошириш, манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ҳуқуқий база такомиллаштирилиши билан жойларда уй-жой қурилиши, табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, транспорт-коммуникация тизимлари ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш имконияти яратилди.

Аслида қишлоқда турмуш даражасини яхшилаш ҳаракатлари истиқлолимизнинг илк кунларидаёқ бошланган эди. Табиий захиралар ва инсон ресурслари самарадорлигини таъминлашдек долзарб масалалар ўз вақтида ҳал этилди. Ўша вақтда деярли ҳар бир оилага суғориладиган ерлардан қўшимча томорқалар ажратилгани ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ва солиқ ставкалари инсон манфаатлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилгани бунинг яққол тасдиғидир. Буларнинг бари собиқ тузум сиёсати исканжасида дарз кетган миллий иқтисодиётимиз учун енгил кечмаган эди ўша даврда.

Бугун қишлоқ хўжалигида йил давомида ким учун ва нима учун тинимсиз меҳнат қилаётганини билмай ишлайверишлар йўқ. Аксинча, деҳқон аниқ мақсад билан, режали ва натижали меҳнат қилмоқда. У ўз ерида тўкаётган пешона терининг баҳосини ҳам, аҳамиятини ҳам жуда яхши билади. Бу ҳам бир ютуғимиз.

Мустақиллик сабаб ўзлигимизни англаш йўли — миллий таълим-тарбия тизимида амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Чунки жаҳон тажрибасида камдан-кам учрайдиган тажриба — 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий этилиши ва таълим тизимининг узлуксиз мазмун касб этиши илк бор Ўзбекистонда йўлга қўйилди. Жаҳон стандартлари талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган мажбурий таълимни битирувчилар катта ҳаётга муайян касб-ҳунар эгаси, алоҳида фанлар бўйича чуқурлаштирилган билимларни эгаллаган ҳолда қадам қўйишига эришилди. Бизнинг ўзбекона қиёфамизни ифода этувчи ва жамиятимизни маънавий озиқлантириб турувчи таълим-тарбия йўлида сарфланаётган катта-катта маблағларимизни келажакка сармоя, деб билаяпмиз. Болам-чақам, фарзандларим иқболи, дея ўзини унутиб, борлиғидан кечиб яшайдиган халқнинг раҳнамоси ҳам бутун имкониятларини ёш авлод тарбиясига бахшида этиши бу улуғ йўлда МАЪНАВИЯТ — МАЁҒИМИЗ, МАЪРИФАТ — ТАЯНЧИМИЗ эканини англатади.

Ҳозирда бошланғич синф дарсликлари ҳар 2 йилда, 5 — 9-синфлар ўқув адабиётлари эса ҳар 4 йилда замонавий билимлар, илмий хулосалар ва фан янгиликлари билан бойитилган ҳолда янгиланиб бораётгани ҳам бу соҳадаги жўшқин жараёндан дарак беради. Биргина мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижроси натижасида республика бўйича компьютер техникаси билан таъминланган таълим муассасалари сони беш баробарга ортгани эса фарзандларимиз учун имкониятлар кенгайиб бораётганини билдиради.

Ҳар йили дунёнинг турли нуқталарида ўқувчи-ёшлар ўртасида ташкил этиладиган халқаро фан олимпиадаларининг савиясини белгилашда Ўзбекистон иштироки алоҳида ўрин тута бошлагани ҳар биримизга ғурур бағишлайди. Яхшиликнинг қаноти бор, деганларидек, таълим-тарбия борасидаги чора-тадбирларимиз умуммиллий миқёс касб этишида ҳам алоҳида ҳикмат бор.

Яхшилаб ўйлаб қарасак, мустақиллик даврида мактаб таълими илгариги ўн йиллик мажбурий таълимдан сўнг "ҳеч ким"ни вояга етказадиган шаклдан, ота-онаси ёдлаган "қизил шеър"ларни болачақаси ҳам такрорлаб ўтадиган сийқа мазмундан халос бўлди. Таълим-тарбия ишининг пассив тингловчиси бўлган ўқувчи-ёшлар бугун шу жараённинг фаол иштирокчисига айланди. Бу биз учун энг муҳими.

Яна бир жиҳат. Айнан Истиқлол туфайли мамлакатимизда соғликни сақлаш, миллат саломатлигини таъминлаш даражаси янги босқичга кўтарилди. Тиббиётга оид ишлаб чиқилган ўндан зиёд қонун ҳужжатлари асосида республикада СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ яратилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшга узайди, оналар ва болалар ўлими 30 фоизга камайди. Энг чекка ҳудудларимиз, қишлоқ ва овулларимизда ҳам малакали врачлар хизматини, кардиожарроҳлик, кўз микрохирургияси каби мураккаб тиббий муолажаларни маҳаллий шароитда муваффақиятли жорий этишга эришилди.

Кейинги вақтда тиббиётга доир бажарилаётган юзлаб амалий, ўнлаб фундаментал ва инновацион лойиҳалар, хорижий грантлар асосидаги илмий тадқиқотлар даволаш ва ташхис ишлари самарадорлигини оширишга ҳамда санитар-эпидемиологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Сирасини айтганда, миллий тиббиётимиз ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтаяпти. Бунинг самарасини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Истанбул саммитида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича миллий моделимизнинг энг ривожланган мамлакатларга ҳам ибрат қилиб кўрсатилгани тасдиқлаб турибди.

Мустақиллик миллий спортимиз осмонини ҳам юзлаб юлдузлар шодаси билан безади. Истиқлолнинг дастлабки йилларида биз учун бир қанча муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифалар долзарб бўлиб турганига қарамай, давлатимиз раҳбарияти жисмоний тарбия ва спортни босқичма-босқич ривожлантириш масаласига ҳам жиддий ёндашди. Асосий эътибор соҳани бошқаришнинг ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш, Миллий Олимпия қўмитаси ва спорт федерацияларини ташкил этиш, энг муҳими, ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИни кенг ривожлантиришга қаратилди. Соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда замонавий жиҳозлар, спорт анжомлари билан таъминлашда ички имкониятлардан фойдаланиш афзал кўрилди.

**Ифтихор**

Юксак орзу-умидлар билан қилинган саъй-ҳаракатлар амалий натижаларини берди. Жаҳонга чиқдик. Истиқлолгача бўлган 50 йиллик муддатда ўзбекистонлик 40 нафар спортчи Олимпиада ўйинларида қатнашган бўлса, кейинги 19 йилда 300 нафар ҳамюртимиз ана шундай нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, 6 та олтин, 6 та кумуш, 8 та бронза медалларини қўлга киритди. Бокс, кураш, шахмат каби бир неча спорт турлари бўйича Ўзбекистон номи алоҳида аҳамият касб этадиган бўлди. Биргина ўзбек кураши бўйича 100 дан зиёд мамлакатда федерациялар ташкил этилиб, ҳозиргача Осиё, Европа, Африка ҳамда Америкада қитъа ва жаҳон чемпионатлари ўтказилгани мустақил спортимиз одимлари салмоғидан дарак беради. Ёки 1991 йилга қадар мамлакатимиздан фақат бир нафар (Г. Агзамов) шахмат бўйича гроссмейстер етишиб чиққани ҳолда, ўтган қисқа даврда улар 10 нафарга етгани, гроссмейстерларимиздан бири Рустам Қосимжонов, ҳатто, шахмат бўйича жаҳон тожини кийишга ҳам мушарраф бўлгани ғуруримизни сарбаланд этгани ҳар қанча эътирофга муносибдир.

Сўнгги йилларда миллионлаб ёшларни қамраб олувчи уч босқичли спорт ўйинлари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ҳам ёш истеъдодларни кашф этишда ўзига хос жараёнга айланди. Спортнинг умуммиллий тус олиши билан миллат фарзандларининг саломатлиги мустаҳкамланиб, бўй ва вазн кўрсаткичлари орта бошлади. Буларнинг барчаси нафақат ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол этиб вояга етказиш, балки бутун жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Истиқлол йилларида турмушимизнинг барча соҳасида амалга оширилган кенг миқёсли амалий ишлар, давлатимиз раҳбариятининг қатъий уринишлари ва саъй-ҳаракатлари энг буюк мақсад — миллий манфаатларимизни рўёбга чиқариш ва ҳар томонлама ҳимоялаш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилгандир. Бинобарин, бугун ҳар бир юртдошимиз неки қилса ўзи учун, ўз келажаги учун эканини чуқур ҳис этмоқда. Бу барчамизни Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларимизни, интеллектуал салоҳиятимизни сафарбар этишга, турли таҳдидлар, миллий маънавиятимизга ёт ғоялар таъсиридан огоҳ бўлиб яшашга ундайди. Зеро, ИНСОННИ АЗИЗ ТУТГАН ЮРТга муносиб фарзанд бўлишдан ҳам ортиқроқ бахт йўқдир.

МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ ҳам аслида шу туйғуда мужассамдир.

**Фахриддин КАРИМОВ.**

## СИНГАПУР ҒОЛИБЛАРИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНДИ

***Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилган I Олимпиада ўйинларида ҳамюртларимиз 3 та кумуш ва 6 та бронза медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллик байрамига муносиб совға ҳозирлашди. Музаффар спортчиларимиз "Тошкент" халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.***

**Спорт**

...30 август, соат 00:30. Спортчиларимиз жойлашган авиалайнер етиб келишига бир соатча вақт бўлса-да, "Тошкент" халқаро аэропорти аллақачон кутиб олувчилар билан гавжум эди. Ҳаяжон билан тез-тез соатига қараб қўяётган, бокс бўйича Олимпиада ўйинлари бронза медали соҳиби, терма жамоамиз байроқдори Сардор Бегалиевнинг отаси Султон акани суҳбатга тортамиз:

— Ҳозир жуда ҳаяжондаман, — дейди Султон ака Мирзаалиев. — Ўғлимнинг ушбу ютуғи бутун ўзбекистонликлар қатори, Чиноз тумани аҳлини, оила аъзоларимизни ҳам руҳлантириб юборди. Ўзим ҳам собиқ боксчиман. Лекин халқаро турнирларда қатнашиш насиб қилмади. Ўғлим бугун менинг орзуларимни рўёбга чиқарганидан хурсандман. Асосийси, спортчиларга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаганидан хурсандман.

Ниҳоят, аэропорт хизматчиси спортчиларимиз бортида бўлган авиалайнер Тошкентга етиб келганлигини эълон қилди. Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган йигит-қизлар бирин-кетин кутиш залига чиқиб кела бошлашди.

— Ушбу ғалабам мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга берилаётган катта ғамхўрлик самарасидир, — дейди бокс бўйича Сингапур Олимпиадаси кумуш медали соҳиби наманганлик Аҳмаджон Мамажонов. — Бундан кейин ҳам устозларим бошчилигида машғулотларни давом эттириб, катталар ўртасидаги Олимпиада ўйинларида қатнашишни мақсад қилиб қўйганман.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси

юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг

## 19 ЙИЛЛИГИ

муносабати билан самимий муборакбод этади!



*Қутлуғ байрам ҳар бир оилага,*
*хонадонга бахт ва омад, шодлигу қувонч,*
*фаровон ҳаёт бахш этсин!*

*Улуғ айём арафасида сизларга манфаатли шартларга асосланган*

## «АНТИҚА»

*жамғарилувчи омонатини таклиф этади.*

**«Антиқа» муддатли омонатига маблағлар миллий валютада 2 ойдан 12 ойгача бўлган муддатларга қабул қилинади.**

**Маблағларнинг омонатда сақланиш муддатларидан келиб чиқиб, 2 ойга йиллик 24%, 4 ойга йиллик 25%, 6 ойга йиллик 26%, 8 ойга йиллик 27%, 10 ойга йиллик 28% ва 12 ойга йиллик 29% миқдорида фоиз даромадлари тўланади.**

Омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

*Улуғ айёмингиз муборак бўлсин!*

**ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (+998-71) 150-12-91 телефони ёки банкнинг www.halkbank.uz расмий сайти орқали олишингиз мумкин.

# KOMFORT Elit жамоаси

*Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги шодиёнаси билан чин дилдан муборакбод этади!*



*Сизларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаб қолади.*

*Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!*

# «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» акциядорлик компанияси

*Азиз юртдошлар!*

**Сизларни мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз!**

**Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатингизга ривож, оилангизга бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз!**

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини акс эттирган газета ва журналларни хонадонингизга тезкорлик билан етказиб, зиё тарқатаётганимиздан мамнунмиз!***



**Ўзбекистон Республикасида чоп этилаётган газета ва журналларга обуна давом этмоқда.**

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 3 сентябрь, жума куни чиқади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41738 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.00 Топширилди — 01.00 1 2 4 5